

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎХЛИЕВ МУСЛИМБЕК РУСТАМБЕК ЎҒЛИ**

**ИНТРОГРЕССИВ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ ДОНОРЛИК  
ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ АСОСИДА СЕЛЕКЦИОН АШЁЛАР  
ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2022.1.PhD/Qx839 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Тошкент давлат аграр университетидида бажарилган.  
Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Намазов Шадман Эргашович</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Аманова Махфурат Эшмуродовна</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор <b>Эгамбердиева Саида Абдусаматовна</b> қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти</b>

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 29 август 2023 йил соат 12<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; E-mail: [tuag\\_info@edu.uz](mailto:tuag_info@edu.uz). Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№549074 - рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2023 йил 4 августда тарқатилди.  
(2023 йил 4 августдаги 15 – рақамли реестр баённомаси.)

  
**Г.Р.Холмуродова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

  
**А.А.Иминов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., профессор.

  
**Ф.Б.Намозов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор.



**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
agricultural sciences**

**Тўхлиев Муслимбек Рустамбек ўғли**

Интрогрессив ғўза тизмаларининг донорлик қобилиятини баҳолаш асосида  
селекцион ашёлар яратиш.....3

**Тухлиев Муслимбек Рустамбек угли**

Создание селекционного материала на основе оценки донорской способности  
интрогрессивных линий хлопчатника.....21

**Tuhliев Muslimbek Rustambek ugli**

Developing of breeding materials on basis of evaluation donor ability of  
introgressive cotton lines .....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТЎХЛИЕВ МУСЛИМБЕК РУСТАМБЕК ЎҒЛИ**

**ИНТРОГРЕССИВ ҒЎЗА ТИЗМАЛАРИНИНГ ДОНОРЛИК  
ҚОБИЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ АСОСИДА СЕЛЕКЦИОН АШЁЛАР  
ЯРАТИШ**

**06.01.05 – Селекция ва уруғчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2023**

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. “Ҳозирги кунда пахта етиштирувчи давлатларда 32,6 млн. гектар майдонга ғўза экилиб, қарийб 25,4 млн. тонна тола ҳосили олинмоқда. Жами етиштириладиган тола ҳосилнинг 60 % дан кўпроғи учта давлат, яъни Хитой (5,7 млн. тонна), Ҳиндистон (5,3 млн. тонна) ва АҚШ (3,8 млн. тонна) ҳиссасига тўғри келади. Кейинги ўринларни Бразилия (2,3 млн. тонна), Покистон (1,2 млн. тонна) ва Ўзбекистон (940 минг. тонна) тола ҳосили олинади”<sup>1</sup>. “Мамлакатимизда 2022-йилда жами 1 млн. 32 минг гектар майдонга ғўза экилиб, 3,5 млн. тонна пахта хом-ашёси етиштирилди”<sup>2</sup>. Юқоридагилардан келиб чиқиб, нафақат қимматли хўжалик белгилари уйғунлашган балки тола сифати юқори жаҳон талабларига жавоб берадиган навларни яратишда олимлар томонидан олиб бориладиган тадқиқотлар бугунги куннинг долзарблигини йўқотмаган.

Жаҳоннинг йирик пахта етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон ва АҚШ каби кўплаб давлатларида турли дурагайлаш тизимларидан фойдаланган ҳолда, ғўза генофондидаги мавжуд ёввойи ва маданий турларга мансуб намуналарнинг донорлик хусусиятларини аниқлаш ҳамда яратилган турлараро дурагайларнинг генетик хусусиятларини ўрганиш орқали улардан амалий селекцияда самарали фойдаланиш борасида кенг изланишлар амалга оширилмоқда. Ўтказилган изланишлар натижасида турлараро дурагайлаш услуги орқали ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган тезпишар, ҳосилдор, тола сифати ва чиқими юқори бўлган ноёб дурагайлари ва янги навларини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда руспубликамизда озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ жойларда бандликни ҳал этиш, кўп тармоқли фермер хўжаликларни кўпайтириш мақсадида пахта экин майдонлари бироз камайтирилди. Бироқ, бу билан ғўза экинига бўлган эътибор камаймади, аксинча фан ва янги технологиялар қўллаш, меҳнат самарадорлигини ва пахта ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ялпи пахта ҳосилини камайтирмаслик вазифаси қўйилган. Бу эса, Республикамиз селекционер олимлари олдига тезпишар, ҳосилдор ва касалликларга чидамли бўлган ҳамда тола сифати жаҳон талабларига жавоб берадиган навларини яратиш вазифасини қўяди. Айниқса, турлараро дурагайлаш орқали ғўзанинг генетик хилма-хилликга эга ноёб дурагай ва навларни яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида қишлоқ хўжалигида илмий-тадқиқот, таълим ва маслаҳат хизматларининг ишлаб-чиқариш тизимини ривожлантириш вазифалари устивор йўналиш қилиб белгиланган ва уни амалга ошириш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилган. Шу ўринда мамлакатимизда ғўзани маҳаллий шароитга мос тола сифат кўрсаткичлари юқори серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга

<sup>1</sup> <https://www.cottonportal.org/cotton/en/cotton-content/cotton-statistics>

<sup>2</sup> <https://www.agro.uz/11-045355/>

бардошли тизма ва навлар яратиш селекционерлар олдида долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сон “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги №985-сон «2020 йилда ғўзани навлари бўйича жойлаштириш ва пахта хом ашёси етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Маълумки, ғўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган янги бошланғич ашёлари, дурагайлари, тизмалари, навларидаги хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини турли дурагайлаш тизимида ўрганиш ҳамда ҳар хил биотик ва абиотик омилларга бардошлиликни назорат этувчи генларнинг ўзаро таъсирини ҳар томонлама баҳолаш долзарб ҳисобланади. Ғўзанинг турли геном гуруҳига мансуб ёввойи ва маданий турлари асосида турлараро мураккаб дурагайлارни яратишга йўналтирилган илмий изланишлар Subramanian A., Ravikesavan R., Iyanar K., Thangaraj K., Vindhyavarman P., Bao-Liang Z., Chen S., Li Yong-Jun, Zhang Gai-Sheng, Benbouza H., Ye Zi-Hong, Yu Chen, Cao Xin-Chuan, Zhang Wen-Ying, M. Lesa Perlow ва бошқа олимлар томонидан ўтказилган. Мамлакатимиз олимларидан Арутюнова Л., Эгамбердиев А.Э., Пулатов М.П., Абдуллаев А.А., Ризаева С.М., Намазов Ш.Э., Эгамбердиева С.А. ва бошқалар томонидан ҳам тадқиқотлар олиб борилган ва борилмоқда. Шунинг учун, ушбу тадқиқотларимиз мураккаб турлараро дурагайлаш орқали яратилган генетик жиҳатдан бойитилган янги ғўза тизмаларининг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий ва махсус комбинацион қобилиятига дурагайлашнинг махсус генетик услубларидан ҳисобланган топкросс чатиштириш орқали баҳо бериш ҳамда дурагайлارнинг турли авлодларида белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганишга қаратилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасанинг режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган № ИТИР-2017-5 «Ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари селекцияси ва уруғчилиги» мавзуси доирасида ҳамда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари дастуридаги № БА-КХФ-5-027

«Турли дурагайлаш тизимлари асосида яратилган янги ғўза тизмалари ва навларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилиятлари ҳамда биотик омилларга бардошлилигининг генетик ва биокимёвий механизмларини аниқлаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2017-2020 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** генетик жиҳатдан бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилиятини баҳолаш, мураккаб генетик асосга эга дурагайларда белгиларнинг ирсийланиши, шаклланиши ва корреляциясини ўрганиш асосида генотиби бойитилган селекцион ашёлар яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

интрогрессив ғўза тизмаларини Бухоро-102 тестор нави билан топкросс тизимида чатиштириш орқали асосий хўжалик қимматли белгилари бўйича комбинацион қобилиятини аниқлаш;

интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида яратилган  $F_1$ - $F_5$  дурагайларида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиш ва ўзгарувчанлик қонуниятларини ўрганиш;

ғўза селекциясида интрогрессив дурагайлаш услубининг самарадорлигини аниқлаш;

қимматли хўжалик белгиларнинг ўзаро корреляциясини ўрганиш;

қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга генетик жиҳатдан бойитилган селекцион ашёларни яратиш ҳамда амалий селекция жараёнига тавсия этиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида турли йилларда яратилган Т-4672-73, Т-4674-77, Т-4679-81, Т-4684-86, Т-138, Т-470/1, Т-95, Т-158, Т-200, Т-МВГ-2, Т-58, Т-1979, Т-175/248, Т-12/06, Т-4747-48, Т-БСГ-2/06, Т-588 интрогрессив ғўза тизмалари ва Бухоро-102 навини чатиштиришдан яратилган дурагай комбинациялар ҳамда андоза С-6524 навидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб, турлараро дурагайлаш асосида яратилган генетик жиҳатдан бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг қимматли хўжалик белгилари бўйича донорлик қобилияти, белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги, шаклланиши ва трансгрессив ўзгарувчанлиги ҳамда айрим белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Илмий изланишлар ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (2007) бўйича олиб борилиб, тадқиқотлар асосида олинган натижалар Б.А.Доспехов (1985) услубида вариацион-статистик таҳлил қилиниб, доминантлик даражаси М.Г.Веил, Е.Р.Аткинс (1965) ишларида келтирилган S.Wright формуласи бўйича ишловдан ўтказилган ҳамда белгиларнинг умумий ва махсус комбинатив қобилиятлари В.Griffing услубида (1956) ва *Verticillium dahliae* Kleb. патогенига бардошлилик Ф.Р.Войтенко (1973) услуби бўйича амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ўрганилган интрогрессив ғўза тизмаларнинг аксарияти “униб чиқиши-50% пишиш” даври ва 1000 дона чигит вазни бўйича, Т-4684-86, Т-4679-81 ва Т-470/1 тизмалари эса, белгилар мажмуаси бўйича умумий комбинацион қобилияти юқори бўлган қимматли донорлар эканлиги тасдиқланган;

тадқиқотлар асосида интрогрессив ғўза тизмалари иштирокида яратилган  $F_1$  дурагайларида тезпишарликнинг асосан салбий оралиқ ва доминант, тола чиқимининг ижобий гетерозис, тола узунлигининг ижобий ва салбий доминант ёки оралиқ, бир дона кўсак вазнининг ижобий оралиқ ёки гетерозис, 1000 дона чигит вазнида барча хилдаги ирсийланиши аниқланган;

интрогрессив селекция услуби ҳамда  $F_2$  да ажралаётган ижобий рекомбинантларни танлаш орқали аксарият тескари корреляцияга эга белгиларнинг ижобий мажмуасини ўзида намоён қилган ашёларни яратиш мумкинлиги аниқланган ҳамда тола чиқими ва узунлиги орасидаги, кучли ва ўрта даражадаги салбий корреляцияни  $F_3$  авлодда кучсиз ва ўрта ижобий йўналишга айлантириш мумкинлиги тасдиқланган;

тадқиқотлар асосида қимматли хўжалик белгиларининг комплекс мажмуаси бўйича юқори бўлган генетик жиҳатдан бойитилган қимматли бошланғич ашёлар яратилиб, амалий селекция жараёни учун тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли келиб чиқишга эга бўлган интрогрессив ғўза тизмалари билан Бухоро-102 тестор навини дурагайлаш орқали тезпишар, ҳосилдор, юқори тола чиқими ва сифати ҳамда вертицеллез вилтга бардошлилик белгиларининг ижобий мажмуасига эга генетик жиҳатдан бойитилган ўрта толали ғўза оилалари ва тизмалари ажратиб олинган;

қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуаси билан генетик жиҳатдан бойитилган Т-6972, Т-1922, Т-1923, Т-9597 ва Т-1901 ноёб интрогрессив ғўза тизмалари ҳамда бир қатор янги ғўза оилалари яратилган, жумладан, яратилган ғўза тизмалари андоза С-6524 навига нисбатан аксарият қимматли хўжалик белгилари бўйича устунлигини намоён қилган ҳамда амалий селекцияда фойдаланиш учун бошланғич ашё сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олиб борилган кўп йиллик дала ва лаборатория тажрибаларини замонавий усулларга мослиги, ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан махсус ташкил этилган апробация комиссияси ижобий баҳолангани, тадқиқотда дала тажрибалари усулларида фойдаланилганлиги, олинган маълумотларни математик-статистик услубларда қайта ишланганлиги, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, қонуниятлар ва хулосалар асосланганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, янги интрогрессив ғўза тизмалари орасида айрим хўжалик учун қимматли белгилар бўйича юқори даражада умумий комбинацион қобилиятга эга бўлган ноёб донорлар

аниқланганлиги, турлараро дурагайлашга жалб этиш орқали ушбу донорларнинг айрим қимматли хўжалик белгиларидан самарали фойдаланганлиги ҳамда яратилган янги селекцион ашёларни *Verticillium dahliae* Kleb. замбуруғининг аралаш ирқи билан кучли зарарланган табиий шароитда касалланишини ўрганиш орқали аксарият оилалар ва тизмалар андозага нисбатан бардошлилиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти интрогрессив селекция услуги орқали хўжалик учун қимматли белгиларнинг ижобий мажмуаси билан генетик жиҳатдан бойитилган Т-6972, Т-1922, Т-1923, Т-9597 ва Т-1901 ғўза тизмалари яратилиб, кейинги амалий селекция жараёнида бошланғич ашё сифатида фойдаланиш учун тавсия этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Интрогрессив ғўза тизмаларининг донорлик қобилиятини баҳолаш асосида селекцион ашёлар яратиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

интрогрессив селекция услуги орқали ҳосилдор, тола чиқими ва сифати каби қимматли хўжалик белгиларининг юқори даражадаги ижобий мажмуаси ҳамда *Verticillium dahliae* Kleb. патогенига бардошли бўлган Т-6972, Т-1922, Т-1923, Т-9597 ва Т-1901 тизмалари яратилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 8-сентябрдаги № 07/22-04/6362-сон маълумотномаси). Натижада, яратилган янги ғўза тизмаларидан генетика ва селекция соҳасидаги қимматли хўжалик белгиларга эга ашёларни яратишда бошланғич ашё сифатида фойдаланилмоқда;

қимматли хўжалик белгилари юқори мажмуасига эга, генетик жиҳатдан бойитилган янги ғўза тизмаларни Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг Сирдарё илмий-тажриба станциясида 2,0 гектар майдонга жорий этилиб, бирламчи уруғчилиги ташкил этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022-йил 8-сентябрдаги № 07/22-04/6362-сон маълумотномаси). Натижада, янги яратилган ғўза тизмаларининг тезпишарлиги 116,0-121,0 кунни, битта кўсакдаги пахта вазни 6,5-6,9 граммни, тола чиқими 38,8-41,2 фоизни ташкил этгани, *Verticillium dahliae* Kleb. касаллигига бардошлилиги ҳамда 40,0 центнердан юқори ҳосил олинганлиги тасдиқланган;

интрогрессив селекция услуги ва кўп мартали якка танлаш орқали ўрта толали ғўзанинг Т-1922, Т-1923, Т-1901, Т-6972 ва Т-9597 селекцион тизмалари яратилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2022 йил 23-май №4/1255-1207-сон маълумотномаси). Натижада, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти “Ўза генофонди” ноёб объект коллекцияси ҳосилдорлиги, тола чиқими ва битта кўсак вазни белгиси бўйича юқори кўрсаткичларга эга бўлган бошланғич ашёлар билан бойитилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ва Тошкент давлат аграр университети томонидан тузилган махсус

апробация комиссияси томонидан кўриқдан ўтказилиб ижобий баҳоланган, ҳисоботлар университетнинг Илмий кенгашида муҳокама қилинган, тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосида илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси юзасидан республикамиз ва хорижда олиб борилган илмий-тадқиқотлар шарҳи келтирилган. Жумладан, ғўза селекциясида турлараро дурагайлалаш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили, ғўзада қимматли хўжалик белгиларининг ўзаро корреляцияси, ғўза селекциясида олиб борилган сўнги йиллардаги генетик-селекцион тадқиқотлар натижалари бўйича илмий изланишлар олиб борган маҳаллий ва чет эл олимларининг ишлари батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг «**Тажриба олиб бориш жойи, шароити, тадқиқот манбаи ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида олиб борилган тадқиқотнинг манбаи ва уларнинг тавсифлари, тадқиқот ўтказиш услублари, тажриба олиб бориш жойи ва шароити, лаборатория ва дала шароитларида изланишларни амалга ошириш, олинган натижаларни таҳлил қилишда қўлланилган статистик услублар каби маълумотлар батафсил баён қилинган. Турлараро дурагайлалашдан олинган Т-4672-73, Т-4674-77, Т-4679-81, Т-4684-86, Т-138, Т-470/1, Т-95, Т-158, Т-200, Т-МВГ-2, Т-58, Т-1979, Т-175/248, Т-12/06, Т-4747-48, Т-ВСГ-2/06, Т-588 интрогрессив ғўза тизмалари ҳамда андоза сифатида С-6524 нави тадқиқот манбаи бўлиб хизмат қилган. Илмий изланишларда  $F_1$  авлод дурагайларида белгилар бўйича доминантлик даражаси ( $h_p$ ), интрогрессив ғўза тизмаларини қимматли хўжалик белгилари бўйича камбинацион қобилияти, белгилар орасидаги корреляция коэффициенти ( $r$ ), вариация ( $V$ ) коэффициентлари аниқланиб, Б.А.Доспехов

(1985), A.Allard (1966), G.M.Veil ҳамда R.E.Atkins (1965) услубларида математик ишловдан ўтказилган.

Таҷрибалар 2017-2021 йилларда Тошкент давлат аграр университети ва Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб борилганлиги келтирилган. Диссертацияда математик ва статистик таҳлиллар қабул қилинган услублар асосида амалга оширилган.

Диссертациянинг «**Асосий хўжалик учун қимматли белгиларининг F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> авлодда шаклланиши бўйича таҳлили**» деб номланган учинчи бобида айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши бўйича олиб борилган генетик-селекцион тадқиқотлар таҳлил қилинган. Жумладан, янги яратилган интрогрессив ғўза тизмаларининг комбинацион қобилияти, тезпишарлик, тола чиқими, тола узунлиги, бир дона кўсак вазни, 1000 дона чигит вазни, айрим белгилар ўртасидаги корреляцион боғланишлар ҳамда *Verticillium dahliae* Kleb. касаллигига бардошли бўйича натижалари ёритиб берилган.

Мазкур бобнинг биринчи «**Интрогрессив ғўза тизмаларининг комбинацион қобилиятини аниқлаш**» қисмида турлараро дурагайлаш услуби орқали яратилган генотипи бойитилган интрогрессив ғўза тизмаларининг асосий хўжалик учун қимматли белгилари бўйича умумий (УКҚ) ва махсус (МКК) комбинацион қобилиятига топкросс дурагайлаш услуби ёрдамида баҳо берилган.

Тадқиқотлар асосида ўрганилган ғўза тизмаларининг аксарияти қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуаси бўйича қимматли донорлик қобилиятига хос эканлиги аниқланган. Жумладан, Т-4684-86, Т-138, Т-470/1, Т-95 ва Т-1979 интрогрессив ғўза тизмалари “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” даври (мос равишда,  $G_{2si}=-0,47$ ;  $G_{2si}=-0,58$ ;  $G_{2si}=-1,02$ ;  $G_{2si}=-0,24$  ва  $G_{2si}=-0,62$ ), тола чиқими (мос равишда,  $G_{2si}=2,20$ ;  $G_{2si}=1,62$ ;  $G_{2si}=4,32$ ;  $G_{2si}=4,48$  ва  $G_{2si}=1,77$ ) ва тола узунлиги (мос равишда,  $G_{2si}=3,49$ ;  $G_{2si}=3,24$ ;  $G_{2si}=3,45$ ;  $G_{2si}=3,07$  ва  $G_{2si}=0,74$ ) бўйича ҳамда Т-4679-81, Т-200 ва Т-12/06 тизмалари “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш” даври, (мос равишда,  $G_{2si}=-0,24$ ;  $G_{2si}=-0,24$ ;  $G_{2si}=-0,12$ ) ва тола чиқими (мос равишда,  $G_{2si}=2,68$ ,  $G_{2si}=1,52$ ,  $G_{2si}=0,58$ ) ва тола узунлиги эса, Т-4672-73, Т-4674-77 (мос равишда,  $G_{2si}=4,01$ ,  $G_{2si}=3,94$ ) юқори УКҚ га эга эканлиги, яъни ушбу белгилар бўйича қимматли донорлар эканлиги аниқланган (1-жадвал).

Ушбу бобнинг иккинчи «**F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагай комбинацияларида тезпишарликнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши**» қисмида F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагайларида “ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш” ва “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш» даврларининг ирсийланиши ва шаклланиши таҳлил қилинган. Тадқиқотлар асосида 13 та F<sub>1</sub> дурагайларида салбий даражада тўлиқ доминантлик ва салбий оралик гетерозис, яъни тезпишарлик кузатилган. Қолган 4 та дурагайларда ижобий кучли ва оралик даражадаги ирсийланиш, яъни кечпишарлик намоён бўлган. F<sub>2</sub> дурагайларида “ниҳол униб чиқиши-50% пишиш» даври 107,6-113,8 кун оралиғида, F<sub>3</sub>

дурагайларида 116-122,3 кун оралиғида, F<sub>4</sub> дурагайларида 116,3-124,6 кун оралиғида ва F<sub>5</sub> дурагайларида 116,7-121,1 кунгача бўлганлиги аниқланган. Тезпишарлик белгисининг F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагайларида ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини ўрганиш орқали чатиштиришларга жалб этилган тизмаларнинг келиб чиқишида иштирок этган бошланғич ашёларнинг генотипига боғлиқ ҳолда ирсийланиши ҳамда кейинги авлодлардаги танлаш йўналишига қараб шаклланиши хулоса қилинган.

### 1-жадвал

#### Интрогрессив ғўза тизмаларининг айрим белгилар бўйича (УКҚ) комбинатив қобилияти

Тизмалар	“Ниҳол униб чиқиш-50 % пишиш”		Тола чиқими		Тола узунлиги	
	Бухоро-102	УКҚ самараси (gi)	Бухоро-102	УКҚ самараси (gi)	Бухоро-102	УКҚ самараси (gi)
T-4672-73	106,7	-0,13	35,5	-1,67	35,3	4,01
T-4674-77	107,0	0,76	37,6	-1,67	34,9	3,94
T-4679-81	107,0	-0,24	37,4	2,68	32,6	-1,72
T-4684-86	106,0	-0,47	38,6	2,20	33,7	3,49
T-138	106,0	-0,58	38,2	1,62	34,2	3,24
T-470/1	106,3	-1,02	37,1	4,32	34,2	3,45
T-95	107,7	-0,24	36,5	4,48	33,5	3,07
T-158	106,3	0,42	35,7	-1,14	34,6	3,79
T-200	107,3	-0,24	36,4	1,52	33,2	-1,02
T-МВГ-2	109,0	1,76	37,5	1,47	35,0	2,52
T-58	106,5	1,52	35,2	-1,06	35,2	1,41
T-1979	105,5	-0,62	38,2	1,77	34,0	0,74
T-175/248	107,0	0,98	38,0	-1,23	33,6	-0,48
T-12/06	106,5	-0,12	37,3	0,58	35,8	-0,56
T-4747-48	106,0	-0,13	36,2	-0,42	34,4	0,68
T-БСГ-2/06	106,5	-0,45	37,5	-1,85	34,2	2,92
T-588	111,0	1,98	36,2	-0,74	34,9	1,09
УКҚ самараси (gi)	0,41		0,56		-0,17	
МКК варианси (G2si)	0,47		2,58		1,6	

Бобнинг учинчи “F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагайларида тола чиқимининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши” қисмида F<sub>1</sub> дурагайларида «тола чиқими» белгисининг бошланғич шакллар генотипига боғлиқ равишда аксарият ҳолатларда гетерозис ва оралиқ тарзда ирсийланиши аниқланди.

Жумладан, F<sub>1</sub>T-470/1 х Бухоро-102, F<sub>1</sub>T-200 х Бухоро-102, F<sub>1</sub>T-588 х Бухоро-102, F<sub>1</sub>T-58 х Бухоро-102 ва F<sub>1</sub>T-БСГ-2/06 х Бухоро-102 дурагай комбинацияларида ота-она шаклларига нисбатан юқори ижобий гетерозис, F<sub>1</sub>T-4672-73 х Бухоро-102, F<sub>1</sub>T-4747-48 х Бухоро-102 ва F<sub>1</sub>T-1979 х Бухоро-102 дурагайларида салбий гетерозис ҳолати кузатилди. Шунингдек, тола чиқими бўйича нисбатан юқори ўртача кўрсаткич F<sub>1</sub>T-470/1 х Бухоро-102, F<sub>1</sub>T-138 х Бухоро-102, F<sub>1</sub>T-4679-81 х Бухоро-102 ва F<sub>1</sub>T-4684-86 х Бухоро-102

дурагайларида (тегишли равишда, 42,4%, 40,7%, 40,3% ва 40,2%) кузатилган (2-жадвал).

## 2-жадвал

### **F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагай комбинацияларида тола чиқимининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши**

№	Нав ва дурагай комбинациялар	F <sub>1</sub>			F <sub>2</sub>		F <sub>3</sub>		F <sub>4</sub>		F <sub>5</sub>	
		M±m	V%	hp	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%	M±m	V%
	Андоза С-6524	35,7±1,08	4,68		34,7±0,56	2,68	35,5±0,81	2,65	39,9±1,55	9,51	36,2±1,03	9,01
	Бухоро-102	35,6±1,01	3,73		34,6±0,86	5,56	35,7±1,01	3,73	39±0,80	3,59	36,7±1,11	9,12
1	T-4672-73xБухоро-102	34,8±1,47	9,48	-1,9	36,2±0,81	11,28	37,6±1,17	9,89	40,2±1,50	9,87	38,7±1,72	14,1
2	T-4674-77xБухоро-102	38,9±1,64	9,43	0,3	35,6±1,00	14,10	36,1±1,69	10,49	39,9±0,75	5,96	39,4±1,17	9,41
3	T-4679-81xБухоро-102	40,3±1,34	7,46	1,5	34,8±0,93	13,41	37,6±1,51	8,97	37,9±0,94	7,83	36,4±0,77	6,72
4	T-4684-86xБухоро-102	40,2±2,80	15,59	1,1	36,3±1,00	13,85	40,3±1,07	5,93	38,9±0,72	5,88	37,7±0,97	8,19
5	T-138xБухоро-102	40,7±1,23	6,78	1,0	38,3±1,66	14,80	37,7±1,47	8,74	40,9±0,52	4,05	40,2±2,24	9,67
6	T-470/1xБухоро-102	42,4±1,28	6,76	2,0	36,8±1,19	10,73	38,5±1,26	7,37	39,0±0,66	5,39	37,9±1,29	10,8
7	T-95xБухоро-102	39,6±1,16	6,58	1,5	33,9±0,94	13,97	40,3±1,24	6,92	40,9±0,40	3,14	39,4±0,65	5,24
8	T-158xБухоро-102	38,5±1,09	6,37	0,9	36,7±1,12	15,28	36,2±1,52	9,42	38,7±1,14	9,34	40,1±0,97	7,68
9	T-200xБухоро-102	39,1±1,12	6,42	1,8	35,7±0,72	10,19	39,9±1,55	8,70	39,2±1,45	11,7	38,0±0,46	3,86
10	T-МВГ-2xБухоро-102	38,0±0,91	5,41	0,4	35,4±0,73	10,43	36,8±1,20	7,31	39,6±0,90	7,25	40,9±1,17	9,07
11	T-58xБухоро-102	38,7±0,76	4,43	1,7	34,5±0,87	12,64	36,4±1,08	6,67	39,2±1,68	13,5	41,9±0,86	6,54
12	T-1979xБухоро-102	36,7±1,74	10,61	-0,3	34,7±0,62	9,05	34,3±2,21	14,43	39,7±1,07	8,54	38,7±1,20	9,84
13	T-175/248xБухоро-102	39,4±1,48	8,43	1,3	35,4±0,79	11,18	38,5±1,78	10,33	41,0±0,67	5,21	38,3±1,66	9,72
14	T-12/06xБухоро-102	39,2±1,55	8,86	0,8	34,9±0,80	11,56	36,8±1,19	7,23	40,4±0,50	3,96	38,6±0,72	5,97
15	T-4747-48xБухоро-102	37,7±0,94	5,60	-15	35,4±0,79	11,15	36,2±1,05	6,49	39,2±1,24	10,0	39,0±0,80	5,02
16	T-БСГ-2/06xБухоро-102	39,5±2,35	13,34	1,6	36,1±0,62	8,69	36,5±1,66	10,21	40,1±1,16	5,83	40,0±0,47	3,73
17	T-588xБухоро-102	38,6±0,94	5,46	1,8	34,4±0,97	14,15	36,6±1,19	7,30	36,8±1,05	9,08	37,5±0,66	5,60
ЭКФ(0,5)							0,65		0,72		0,80	


Тола чиқими бўйича йиллар давомида яхши кўрсаткичга эга бўлган Т-138 х Бухоро-102, Т-4747-48 х Бухоро-102, Т-200 х Бухоро-102, Т-БСГ-2/06 х Бухоро-102 дурагай комбинациялари бўйича F<sub>2</sub> авлодда 38,3%; 35,4%; 35,7% ва 36,1%; F<sub>3</sub> да, 37,7%; 36,2%; 39,9% ва 36,5%, F<sub>4</sub> авлодда, 40,9%; 39,2%; 39,2% ва 40,1%, F<sub>5</sub> авлодда эса, 40,2%; 39,0%; 38,0% ва 40,0% каби натижалар олинган. Бу эса, кейинги тадқиқотларда мазкур дурагайлар тола чиқими бўйича қимматли бошланғич ашё бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини тасдиқлайди.

Тадқиқотлар асосида F<sub>2</sub> дурагайларида тола чиқими бўйича кенг миқёсда ажралиш жараёнлари кечиши билан бирга ижобий трансгрессив шаклларнинг нисбатан кўпроқ пайдо бўлиши ҳамда юқори авлодларга бориб, белгининг яхшиланиши илмий асослаб берилган.

Бобнинг тўртинчи “F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагайларида тола узунлигининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши” қисмида F<sub>1</sub> дурагайларида «толанинг штапель узунлиги» ўрганилиб, белги бўйича ижобий ва салбий гетерозис юз бериши аниқланган. Белги бўйича F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларида кенг ўзгарувчанлик, F<sub>4</sub>-F<sub>5</sub> авлодда эса, тола узунлиги 34-35 мм дан юқори бўлган қимматли рекомбинант ўсимликлар пайдо бўлиши, яъни аввалги авлодларга

нисбатан айрим комбинацияларда белгининг ўртача кўрсаткичи яхшилангани аниқланди (1-расм).

Ўрганилган дурагайларда “толанинг штапел узунлиги”нинг ўзгарувчанлиги ва ирсийланишини таҳлили асосида белги бўйича ижобий трансгрессив ўсимликларнинг F<sub>4</sub>-F<sub>5</sub> авлодларда нисбатан кўпроқ ажралиб чиқиши кузатилиши тасдиқланган.



**1-расм. F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагай комбинацияларда тола узунлигининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши**

Бобнинг бешинчи “F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагайларида бир дона кўсак вазнининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши” қисмида F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> авлод дурагайларида бир дона кўсакдаги пахта вазни белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги бўйича олиб борилган илмий изланишлар таҳлил этилган. Бир дона кўсакдаги пахта вазни бўйича F<sub>1</sub> дурагайларидан 5 тасида ижобий гетерозис ва 12 тасида салбий гетерозис аниқланган. Белги бўйича F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларининг вариацион таҳлили асосида ижобий трансгрессив ўсимликларнинг ажралиб чиқишида ўнг тарафдаги синфларга хос оғиш кузатилди.

Бобнинг олтинчи “F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> дурагайларида 1000 дона чигит вазнининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши” қисмида F<sub>1</sub>-F<sub>5</sub> авлод дурагайларида 1000 дона чигит вазни белгисининг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги таҳлил этилган. 1000 дона чигит вазни белгиси дурагайларда ота-она шакллари генотипига боғлиқ ҳолда оралиқ, доминант ва гетерозис ҳолатда ирсийланиши, F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> авлодлардан бошлаб кенг миқёсда ажралиш жараёнлари содир бўлиши ҳамда ижобий трансгрессив шакллارни танлаш орқали юқори авлодларда белгининг ўртача кўрсаткичи яхшиланиб бориши аниқланди. Белги бўйича F<sub>4</sub>-F<sub>5</sub> авлодларда кенг миқёсдаги ўзгарувчанлик, яъни ижобий трансгрессив шакллар нисбатан кўпроқ ажралиб чиқиши қайд этилди. Шунингдек, дурагайлар орасидан ота-она шаклларида устун бўлган ижобий трансгрессив шакллارни танлаш самарали эканлиги илмий изланишларимизда ўз тасдиғини топди.

Бобнинг еттинчи “Яратилган селекцион ашёларда айрим морфоҳўжалик белгиларининг шаклланиши” қисмида тадқиқотлар асосида яратилган турли хил селекцион ашёларда айрим хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори авлодларда шаклланишини ўрганиш борасидаги натижалар келтирилган. Интрогрессив ғўза тизмаларининг хўжалик учун қимматли белгилари бўйича шаклланиш жараёнини ўрганиш асосида турлараро дурагайларнинг аксарият хўжалик белгилари бўйича барқарорлашгани тасдиқланган.

Бобнинг саккизинчи “F<sub>1</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларида вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.)га бардошлилиги” қисмида турлараро чатиштириш орқали яратилган дурагайларнинг вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.) га толерантлиги бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган. *Verticillium dahliae* Kleb. нинг аралаш ирқи билан табиий кучли зарарланган табиий муҳитда ўтказилган тадқиқотларда интрогрессив ғўза тизмаларининг толерантлиги юқори эканлиги аниқланган. Ўрганилган бир нечта дурагайлардан вертициллёз вилтга бардошли навлар селекцияси учун бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги тасдиқланган.

### 3-жадвал

#### F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларда айрим белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқлик

Дурагай комбинациялар	F <sub>2</sub>				F <sub>3</sub>			
	Тола узунлиги ва тола чиқими		Тола узунлиги ва бир дона қўсақдаги пахта вази		Тола узунлиги ва тола чиқими		Тола узунлиги ва бир дона қўсақдаги пахта вази	
	r	t	r	t	r	t	r	T
T-4672-73 х Бухоро-102	0,02	3,45	-0,45	5,70	-0,32	5,80	-0,59	4,97
T-4674-77 х Бухоро-102	0,20	3,37	0,21	9,53	-0,02	4,76	0,24	1,40
T-4679-81 х Бухоро-102	-0,10	1,04	0,16	3,59	0,61	9,41	0,10	1,29
T-4684-86 х Бухоро-102	-0,40	3,76	0,49	1,41	0,55	1,75	-0,13	7,99
T-138 х Бухоро-102	-0,01	2,92	-0,55	3,44	-0,15	4,55	-0,45	5,84
T-470/1 х Бухоро-102	-0,40	1,67	0,34	5,98	-0,61	6,22	-0,38	1,00
T-95 х Бухоро-102	0,25	1,13	-0,30	1,69	0,10	4,96	0,35	5,09
T-158 х Бухоро-102	-0,05	3,94	0,19	1,63	0,07	1,02	0,22	1,19
T-200 х Бухоро-102	-0,19	1,06	0,07	5,33	0,53	7,55	0,05	2,64
T-МВГ-2 х Бухоро-102	0,08	4,44	-0,25	1,71	-0,34	1,40	0,04	3,64
T-58 х Бухоро-102	-0,23	2,25	0,38	1,41	0,21	1,53	-0,52	1,78
T-1979 х Бухоро-102	0,04	2,78	-0,18	1,09	-0,16	2,29	0,42	3,57
T-175/248 х Бухоро-102	-0,03	1,12	-0,27	4,71	0,03	3,43	0,11	8,47
T-12/06 х Бухоро-102	-0,23	7,37	0,02	3,43	0,44	8,56	0,65	2,68
T-4747-48 х Бухоро-102	0,13	1,42	-0,01	5,74	0,01	3,83	-0,33	9,34
T-БСГ-2/06 х Бухоро-102	-0,15	7,04	0,40	2,99	0,29	5,07	0,66	1,33
T-588 х Бухоро-102	0,17	2,38	-0,30	1,91	0,46	4,27	-0,08	4,51

Бобнинг тўққизинчи “F<sub>2</sub>-F<sub>3</sub> дурагайларида айрим белгилар ўртасидаги коррелятив боғлиқлик” қисмида турлараро чатиштириб олинган дурагайларда айрим хўжалик учун қимматли белгилар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни ўрганиш натижалари ёритилган. Олиб борилган

тадқиқот натижалари асосида тола узунлиги ва тола чиқими орасида  $F_2T-4674-77$  х Бухоро-102 ( $r=0,20$ ),  $F_2T-95$  х Бухоро-102 ( $r=0,25$ ),  $F_2T-4747-48$  х Бухоро-102 ( $r=0,13$ ),  $F_2T-588$  х Бухоро-102 ( $r=0,17$ ),  $F_2T-МВГ-2$  х Бухоро-102 ( $r=0,08$ ) ҳамда  $F_3T-4679-81$  х Бухоро-102 ( $r=0,61$ ),  $F_3T-4684-86$  х Бухоро-102 ( $r=0,55$ ),  $F_3T-200$  х Бухоро-102 ( $r=0,53$ ),  $F_3T-58$  х Бухоро-102 ( $r=0,21$ ),  $F_3T-12/06$  х Бухоро-102 ( $r=0,44$ )  $F_3T-БСГ-2/06$  х Бухоро-102 ( $r=0,29$ ) ва  $F_3T-588$  х Бухоро-102 ( $r=0,46$ ) дурагайларида кучсиз, ёки ўртача ижобий коррелятив боғлиқликлар аниқланган. Тола узунлиги ва бир дона кўсакдаги пахта вазни ўртасида  $F_2T-4674-77$  х Бухоро-102 ( $r=0,21$ ),  $F_2T-4679-81$  х Бухоро-102 ( $r=0,16$ ),  $F_2T-4684-86$  х Бухоро-102 ( $r=0,49$ ),  $F_2T-470/1$  х Бухоро-102 ( $r=0,34$ ),  $F_2T-158$  х Бухоро-102 ( $r=0,19$ ),  $F_2T-58$  х Бухоро-102 ( $r=0,38$ ),  $F_2T-БСГ-2/06$  х Бухоро-102 ( $r=0,40$ ) ҳамда  $F_3T-4674-77$  х Бухоро-102 ( $r=0,24$ ),  $F_3T-4679-81$  х Бухоро-102 ( $r=0,10$ ),  $F_3T-95$  х Бухоро-102 ( $r=0,35$ ),  $F_3T-158$  х Бухоро-102 ( $r=0,22$ ),  $F_3T-1979$  х Бухоро-102 ( $r=0,42$ ),  $F_3T-12/06$  х Бухоро-102 ( $r=0,65$ ) ва  $F_3T-БСГ-2/06$  х Бухоро-102 ( $r=0,66$ ) каби дурагайларда кучсиз ҳамда ўртача ижобий коррелятив боғлиқликлар кузатилган (3-жадвал). Тадқиқотлар асосида аксарият дурагай комбинацияларнинг  $F_2-F_3$  авлодларида кучсиз, ўртача ижобий ва салбий коррелятив боғлиқликлар мавжудлиги кузатилди.

Бобнинг ўнинчи “**Дурагайлар толасининг технологик сифат кўрсаткичлари**” қисмида пахта толасининг сифат кўрсаткичлари замонавий  $NVI$  ускунаси ёрдамида таҳлилдан ўтказилган (4-жадвал).

4-жадвал

#### Дурагай комбинациялар толасининг технологик сифат кўрсаткичлари

№	Дурагай комбинация ва навлар	Міс. (Микро-нейр)	Str. (Солиштирма узилиш кучи) г.куч/текс	UHML (Юкори ўртача узунлик) дюм	Unf (Бир хиллик индекс) %	Elg (Узилишдаги узайиш) %	SCI (Толанинг йиғирувчанлик қобилияти)
1	C-6524 андоза	4,12	33,80	1,20	85,1	7,12	160,1
2	Бухоро-102	4,20	33,90	1,21	84,8	7,30	168,7
3	$F_5T-4672-73$ х Бухоро-102	3,96	33,71	1,19	85,9	7,12	162,1
4	$F_5T-4674-77$ х Бухоро-102	4,10	34,98	1,25	86,1	7,46	172,6
5	$F_5T-4679-81$ х Бухоро-102	4,12	34,50	1,23	86,7	7,52	174,5
6	$F_5T-4684-86$ х Бухоро-102	3,83	33,44	1,22	86,7	7,68	170,5
7	$F_5T-138$ х Бухоро-102	3,94	34,38	1,23	86,9	7,36	175,6
8	$F_5T-470/1$ х Бухоро-102	3,92	34,44	1,25	86,8	7,54	176,1
